2016 ЙИЛ 30 МАРТ, ЧОРШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 67 (13.130)

Баҳоси эркин нархда



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Оқил Ғуломов олган сурат

НАМУНАЛИ МИЛИЦИЯ ТАЯНЧ ПУНКТЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Халқимиз тинчлик ва барқарорликни ҳамма нарсадан азиз деб билади, уни асраб-авайлайди. Чунки инсоннинг бахтли яшаши, фарзандлари камоли учун аввало тинчлик, хотиржамлик кераклигини яхши англайди.

Тинчлик бор жойда ҳар соҳада юксалиш, эл-юрт обод, одамлар ҳаётдан рози ва мамнун бўлиб, эртанги кунга қатъий ишонч билан яшайди. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барча соҳаларда ривожланишга эришилмоқда, улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Буни жаҳон ҳамжамияти ҳам эътироф этмоқда. Кейинги йилларда Ўзбекистон "Қонун устуворлиги" ҳамда "Қонуний тартибларга итоат қилиш индекси" каби халқаро рейтингларда юқори натижаларни қайд этгани юртимизда барқарорликни таъминлаш, тинчлик ва хавфсизликни ҳимоя қилиш йўлида амалга оширилган изчил ислоҳотлар самарасидир.

Бу жараёнда маҳалла фаоллари, профилактика инспекторлари фаолияти муҳим аҳамият касб этмоқда. Анъанавий ўтказиб келинаётган "Намунали милиция таянч пункти" кўрик-танлови бу йўналишдаги ишлар самарадорлигини оширмоқда.

"Туркистон" саройида 29 март куни мазкур танловнинг мамлакат босқичи бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири А.Аҳмадбоев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда тинчлик-осойишталик таъминлангани, маҳаллаларда соғлом маънавий муҳит қарор топгани самарасида аҳоли тинч ва фаровон ҳаёт кечираётганини алоҳида таъкидлади.

Бу жамиятда маҳалла институтининг роли ва мавқеи юксалаётгани, ички ишлар идоралари ходимларининг мазкур тузилма билан ўзаро ҳамкорлиги мустаҳкамлангани натижасидир. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майда қабул қилинган "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги қонуни ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш соҳасидаги фаолиятни янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашда ҳуқуқий асос яратди.

Айни пайтда профилактика инспектори, маҳалла раиси, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, хотин-қизлар кенгаши, яраштириш комиссияси ва посбонларнинг бир жойда, замонавий жиҳозлар ва зарур алоқа воситалари билан таъминланган биноларда фаолият юритаётгани боис учраётган муаммолар жойида, тезкорлик билан ҳал этилмоқда. Натижада 2015 йилда икки мингдан зиёд маҳаллада бирорта ҳам жиноят содир этилмади.

Мамлакатимиздаги 3 минг 767 милиция таянч пунктининг аксарияти ҳузурида факультатив тўгараклар, кичик бизнес шохобчалари, вояга етмаганларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун жиҳозланган спорт майдончалари фаолият кўрсатаётгани бу борада алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Кўрик-танловнинг мамлакат босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоят босқичларида ғолиб бўлган 14 милиция таянч пункти иштирок этди.

Танлов якунига кўра Тошкент вилояти Юқоричирчиқ тумани "Истиқлол" маҳалласидаги 294-сонли, Андижон вилояти Олтинкўл тумани "Далварзин" маҳалласидаги 194-сонли, Бухоро вилояти Ромитан тумани "Ромитан" қишлоқ фуқаролар йиғинидаги 94-сонли, Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа тумани "Қилчиноқ" овулидаги 199-сонли милиция таянч пунктлари ғолибликни қўлга киритди.

Ғолибларга "Matiz" автомобиллари топширилди.

– Пунктимизда барча зарур шарт-шароит яратилиб, замонавий воситалар билан таъминланган, – дейди ЎзА мухбирига Тошкент вилояти Юқоричирчиқ тумани "Истиқлол" маҳалласидаги 294-сонли милиция таянч пункти профилактика катта инспектори Зайниддин Ҳожиев. – Аҳоли билан яқин мулоқотда бўлиб, огоҳликка чорловчи тадбирлар ўтказяпмиз. Бунинг самарасида маҳалладаги соғлом муҳит ва осойишталик янада мустаҳкамланмоқда.

Танловда бир қатор номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, улар муносиб тақдирланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Э.Боситхонова, Б.Ходиев сўзга чиқди.

Норгул АБДУРАИМОВА

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Жамоатчилик кенгаши раиси И.Мирзаалиев, мудофаа вазири ўринбосари М.Солиев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 24 октябрдаги қарори билан ташкил этилган Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши миллий армиямиз ва халқимиз ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётганини таъкидлади.

Жорий йилда Жамоатчилик кенгаши томонидан Мудофаа вазирлиги фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш, ҳарбий хизматчилар, чақириққача бўлган ёшларда юксак маънавий фазилатларни шакллантириш, Ватан ҳимоячиларини ижтимоий ҳимоялаш йўлида олиб борилаётган ишларни аҳоли ўртасида кенг тушунтиришга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилди.

"Таянчим ва суянчим, фахру ифтихоримсан, муқаддас Ватан!" шиори остида ҳарбий қисм ва муассасаларда ўтказилган тадбирларда Ватан ҳимояси муқаддас бурч экани, миллий армиямиз ҳаётимиз тинчлиги ва фаровонлигининг кафолати бўлиб хизмат қилаётгани ҳақида сўз юритилди.

"Менинг ўғлим – Ватан ҳимоячиси" мавзуидаги видеоконференцияларда ота-оналар муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган фарзандлари билан дийдорлашиб, армия ёшларда жисмоний камолот, мустаҳкам ирода ва кенг дунёқарашни шакллантирадиган ҳаёт мактабига айланганига ишонч ҳосил қилди.

Таълим масканлари, маҳаллаларда ўтказилган "Ватан, эл манфаатлари муқаддасдир!" мавзуидаги давра суҳбатлари, "Аскар оналарини шарафлаймиз" номли маънавий-маърифий тадбирлар халқимизнинг миллий армиямиз куч-қудратига ишончини мустаҳкамлаш, ҳарбийларимиз билан ғурурланиш туйғусини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этди.

Йиғилишда "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида ҳарбий хизматчилар оилаларини ижтимоий ҳимоялаш ва соғломлаштириш ишларини кучайтириш, Амир Темур таваллудининг 680 йиллиги, 9 май – Хотира ва қадрлаш куни, Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган тадбирларда муносиб иштирок этиш масалалари муҳокама қилинди.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎзА мухбири

МАМЛАКАТИМИЗ САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ўзбекистонда Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг биринчи босқичи бошланмоқда. Анъанага кўра, март-июнь ойларида бўлиб ўтадиган ҳудудий ва тармоқ ярмаркаларида мамлакатимиз саноатининг салоҳияти кенг намойиш этилади.

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган кенгайтирилган мажлисида ўтган йили мамлакатимизни янгилаш ва ислоҳ этиш, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини ва унинг макроиқтисодий мутаносиблигини таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилганини таъкидлади. Бунинг самарасида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётганига қарамасдан, ўтган йили ялпи ички маҳсулот 8 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қарийб 7 фоиз, қурилиш-монтаж ишлари салкам 18 фоиз ўсди.

Давлатимиз раҳбари 2016 йилда биз учун асосий вазифа – ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан узлуксиз янгилаб бориш, доимий равишда ички имконият ва захираларни излаб топиш, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, саноатни модернизация ва диверсификация қилишни давом эттиришдан иборат бўлишини алоҳида таъкидлади. Ишлаб чиқаришни оптималлаштириш, ички тармоқ ва тармоқлараро кооперацияни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни кенг тарғиб қилиш, маҳсулотни етказиб бериш, жумладан, хорижлик ҳамкорлар топиш ва улар билан шартнома имзолашда хўжалик юритиш субъектларига кўмаклашишга қаратилган анъанавий Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси шу ва бошқа вазифаларнинг ҳал этилишига хизмат қилади.

Мамлакатимиздаги ушбу йирик саноат форуми Президентимиз Ислом Каримовнинг 2007 йил 12 ноябрдаги "Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, 2009 йил 1 декабрдаги "Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ва 2013 йил 29 январдаги "Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатдошлигини янада ошириш ва товарларни республикага ноқонуний олиб киришга қарши курашни кучайтириш тўғрисида"ги Қарорларига мувофиқ ўтказилмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар самараларини акс эттирувчи ушбу тадбирнинг нуфузи йил сайин ортиб бормоқда. Ҳудудий ва тармоқ саноат ярмаркаларининг таркиби сифат ва сон жиҳатидан кенгайиб, имзоланган шартномалар, хусусан, экспорт битимлари салмоғи йилдан-йилга ортмоқда.

Ўтган йилги ҳудудий саноат ярмаркаларида 377,5 миллиард сўмлик шартномалар имзоланди. Бу 2014 йилги кўрсаткичдан 24,5 фоиз кўпдир. Экспорт шартномалари қиймати 180,8 миллион долларни ташкил қилди ва бу олдинги йилга нисбатан 8,4 фоиз кўп. Тармоқ саноат ярмаркаларида умумий қиймати 617,9 миллиард сўмлик шартномалар имзоланди. Бу 2014 йилга қараганда 5,2 фоиз кўп демак.

2015-2019 йиллар учун тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури ҳамда 2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш чора-тадбирлари дастури жорий йилги ҳудудий саноат ярмаркалари ва X Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг аҳамиятини янада оширади.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Нукус шаҳридаги ҳарбий қисмлардан бирида муддатли ҳарбий хизматга чақирилган аскарларнинг ҳарбий қасамёд қабул қилишига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

● Фарғонада "Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг янги таҳрири – божхона ишининг ҳуқуқий асоси" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

● Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳридаги таълим муассасаларида "Ким эдигу ким бўлдик, эртага қандай юксак марраларни эгаллашимиз керак?" мавзусида тарғибот тадбирлари ўтказилди. Тадбир доирасида юртимизда мустақилликка ҳамда истиқлол йилларида амалга оширилган ислоҳотлар самаралари акс этган видеолавҳа ва фотокўргазмалар ташкил этилмоқда.

● Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш минтақавий комиссиясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

● "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида ташкил этилган навбатдаги "Саломатлик поезди" хайрия тадбирларида Навоий вилояти аҳолиси тиббий кўрикдан ўтказилди. Кўриклар давомида 2 минг 900 дан ортиқ беморга "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фондининг озиқ-овқат, кийим-кечак ҳамда дори-дармон ва тиббиёт анжомлари, санитария-гигиена воситалари, ногиронлик аравачаларидан иборат мурувват ёрдами кўрсатилди. Олис ҳудудлардаги 24 ташкилот ва муассасага тиббий анжомлар берилди.

ЖАҲОНДА

● Европадаги сайёҳлик соҳасига ихтисослаштирилган нуфузли "GoEuro" нашри томонидан тузилган "Global High-Speed Train Ranking" рейтингига юқори тезликда ҳаракатланувчи поездларга эга дунёда энг илғор бўлган 20 та мамлакат киритилди. Ўзбекистон ушбу жадвалда Норвегия, АҚШ ва Финляндия каби ривожланган давлатлардан юқори, яъни 17-ўринни эгаллади. Эътиборлиси, Марказий Осиё бўйича фақат Ўзбекистонгина ундан жой олди.

● Ҳайдовчисисиз бошқариладиган автомобиль илк бор Корея Республикасида рақам белгисини олди. Яъни, Hyundai Genesis русумли бизнес-класс тоифасидаги седан ҳаракатланиш учун расмий рухсат олди. Ушбу автомобиль йўлларда оралиқ масофага риоя қилишга имкон туғдирувчи GPS навигатори ва махсус сенсорлар билан жиҳозланган.

● Венесуэланинг Santa Barbara Airlines авиакомпаниясига қарашли бортида 192 нафар йўловчи ва олтита экипаж аъзоси бўлган Boeing-757/200 самолёти двигателлардан бирида пайдо бўлган носозлик натижасида Доминикан пойтахтидаги "Лас-Америкас" халқаро аэропортига мажбурий қўнишни амалга оширди.

АҲОЛИ МАНФААТИ ДОИМО ЭЪТИБОРДА

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан ўтказилган матбуот анжуманида тизимда амалга оширилаётган ишлар ва келгуси режалар ҳақида сўз борди.

Айтиш жоизки, тижорат банклари фаолияти мобайнида эришилган ютуқлар замирида Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар самарасини кўриш мумкин. Буни жаҳон банкининг 2015 йилдаги турли йўналишлар бўйича Ўзбекистон иқтисодиётига берган баҳосидан кўриш мумкин. Биргина, юртимиз "Бизнес юритиш" рейтингининг "Кичик бизнес субъектларига кредит бериш" деб номланган кўрсаткичи бўйича сўнгги уч йил ичида 154-ўриндан 42-ўринга кўтарилгани қувонарли ҳолдир.

Миллий банк ҳар йили машҳур халқаро нашрларнинг нуфузли рейтингларида қатнашиб, жаҳон банк тизимида юқори мавқеларни эгаллаб турибди. Хусусан, миллий банкнинг 1993 йилдан буён "The Banker" нашри томонидан ҳар йили эълон қилинадиган жаҳоннинг мингта энг йирик банки рейтингидан жой олиб келаётгани фикримиз тасдиғидир.

— Ҳозирда банкнинг 90 дан ортиқ бўлим ва филиаллари республикамизнинг барча ҳудудларида фаолият юритиб келмоқда, — дейди ТИФ Миллий банк Департаменти директори ўринбосари Қобил Жўраев. — Айни пайтда банк инвестиция, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенгайтириш, экспортни ривожлантириш, шунингдек, аҳоли ва хўжалик субъектларининг бўш турган маблағларини омонатларга жалб этишни рағбатлантириш, молия тизимини мустаҳкамлаш, банк ишини такомиллаштириш борасидаги ишларни жадаллик билан олиб бормоқда.

Шунингдек, анжуманда молия муассасасининг ўтган йилги натижаларига тўхталиб ўтилди. Унга кўра, банк кредити портфели 2015 йилнинг 1 март ҳолатига 10 трлн. 181,6 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 29 фоизга ўсганлиги маълум қилиниб, кредит портфелининг асосий қисми узоқ муддатли кредитлардан ташкил топганлиги қайд этилди.

Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини банк томонидан мунтазам равишда қўллаб-қувватлаб келинаётганлиги алоҳида таъкидланди. Миллий банк томонидан 2016 йилнинг 1 март ҳолатига кўра ажратилган кредит маблағлари 286 млрд. 670 минг сўмни ташкил қилди. Шундан ишбилармон аёлларимизга ажратилган маблағлар 45 млрд. 975 млн. сўмни ташкил этган бўлса, хизмат кўрсатиш соҳасига 47 млрд. 42 млн. сўм миқдорида маблағлар берилди. Бундан ташқари, коллеж битирувчиларига, оилавий тадбиркорлик билан шуғулланувчиларга, шахсий ёрдамчи хўжаликларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчиларга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Миллий банк мижозларининг манфаатларини ҳисобга олиб, 2016 йилнинг 11 мартидан бошлаб жисмоний шахсларнинг пластик карточка ҳисобварақлари бўйича фоиз ставкалари сезиларли даражада оширилди.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки иқтисодиётнинг барча тармоқларида фаол қатнашиб, мижозларга янада қулайлик яратиш мақсадида "Банк хизматлари мижоз ва унинг манфаатлари учун" шиорини ҳаётга изчил татбиқ этишга интилмоқда.

З. ШАРИФЖОНОВ



Оқил Ғуломов олган сурат

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларга замон талаблари даражасида таълим бериш билан бирга уларни келгусида муносиб иш ўринлари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

БИТИРУВЧИЛАР ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИ

Тошкент автомобиль-йўллар институтида ўтказилган "Карьера куни – 2016" тадбири ана шу эзгу мақсадга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Институт ректори М.Орипжонов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси ўринбосари Б.Тожиев, "Ўзавтойўл" ДАК бошқаруви раиси А.Абдувалиев, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғи ўринбосари Ш.Шоваҳобов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда замонавий транспорт инфратузилмаси яратилганини таъкидлади. Жаҳон талабларига жавоб берадиган йўл ва кўприклар қурилмоқда, кўчалар кўп полосали тезюрар магистралларга айлантирилмоқда.

Соҳада амалга оширилаётган ишлар малакали мутахассисларга талабни оширмоқда. Марказий Осиё минтақасида ягона ҳисобланган Тошкент автомобиль-йўллар институти транспорт ва транспорт коммуникациялари бошқаруви, автотехника, йўл қурилиши, автомобиль транспорти эксплуатацияси йўналишларида малакали мутахассислар тайёрлаб келаётир.

2015-2016 ўқув йилида институтни автомобиль йўллари ва аэродромлар, ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси, ташишни ташкил этиш ва транспорт логистикаси, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси, тармоқ менежменти ва маркетинги, транспорт иншоотларининг эксплуатацияси, касб таълими ва бошқа мутахассислик йўналишларида 659 бакалавр, 76 магистр тамомламоқда.

– Президентимиз ёшларни иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келади, – дейди ЎзА мухбирига институт битирувчиси Шоҳрух Носиров. – Бу биз, ёшлар камолотига кўрсатилаётган чексиз эътибор ва ғамхўрлик намунасидир. Бу гаплар амалда ўз тасдиғини топаётганидан хурсандмиз. "Карьера куни"да қатнашган талабаларнинг кўпчилиги ўзига муносиб иш ўрнига эга бўлди. Таълим даргоҳларида ташкил этилаётган таълим ва мутахассислик кўргазмалари, бўш иш ўринлари ярмаркалари талабалар ва иш берувчилар ўртасида ўзига хос кўприк бўлмоқда.

Тадбирда иштирок этган корхоналар мутахассислари талабаларни соҳадаги энг сўнгги янгиликлар билан таништирди.

МАМЛАКАТИМИЗ САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Жорий йилда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ташкил этиладиган ҳудудий саноат ярмаркалари март ойининг иккинчи ярмидан бошланиб, июнь ойига қадар давом этади. Тармоқ саноат ярмаркалари ҳам шу кунларда бошланади ва июнь ойининг ўрталарида якунланади. X Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси 2016 йилнинг октябрь ойи охирида ўз ишини бошлайди.

Биринчи босқич доирасида кичик ва йирик корхоналар ўз маҳсулотларини намойиш этиш, ишлаб чиқариш соҳасидаги технологик янгиликлар, турдош тармоқ ва корхоналарнинг ютуқлари билан танишиш, истиқболда материаллар ва бутловчи қисмларга бўлган эҳтиёжни белгилаб олиш имкониятига эга бўлади. Ҳудудий ярмаркалар якунида иштирокчилар томонидан янги турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш тўғрисида битимлар имзоланади.

Иккинчи босқичда ушбу битимлар маҳсулот етказиб бериш тўғрисидаги шартномаларда расмийлаштирилиб, ишлаб чиқарувчининг келгуси йилга мўлжалланган буюртмалар портфелини шакллантиради. Шу икки босқич ўртасидаги даврда корхоналарда янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш синовдан ўтказилади, тажриба партиялари тайёрланади, буюртмачилар билан келишилади ҳамда ўзлаштирилаётган маҳсулотнинг техник кўрсаткичлари талаб қилинган сифат даражасига мослаштирилади.

Ҳудудий саноат форумлари ва X Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси давомида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тўғрисидаги ягона маълумотлар базасини янгилаш ва унинг тақдимотини ўтказиш режалаштирилган. Бундан ташқари, саноат ярмаркаларида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг вакиллари, маҳаллий сармоядорлар ва хорижлик муассислар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иштирокида "Маҳсулотни маҳаллийлаштириш – ишлаб чиқариш кооперациясини кенгайтириш истиқболлари" мавзуида семинар ташкил этилади.

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси доирасида кооперация алоқалари имкониятларини янада тўлиқ намойиш этиш мақсадида мамлакатимиз саноат корхоналари томонидан тақдимотлар ўтказилади, уларда ҳамкорлик тўғрисидаги таклифлар илгари сурилади. Иштирокчилар ишлаб чиқарилаётган товарлар, кўрсатилаётган хизматлар ҳамда импорт қилинаётган маҳсулотлар тўғрисида саноат форумининг дирекцияси томонидан ҳар йили нашр қилинадиган Ўзбекистон саноат маҳсулотлари каталогидан билиб олишлари мумкин. Шунингдек, улар www.cooper.uz сайтида ушбу нашрнинг электрон шакли билан танишиш ҳамда ўз корхонасини рўйхатдан ўтказиш имкониятига эга.

Мухтасар айтганда, Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси истиқболли ташаббусларни рўёбга чиқаришга интилаётган маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, олим ва экспертлар, чет эл сармоядорларини бирлаштириш, мамлакатимиз саноати самарадорлигини ошириш йўлида барча иқтисодий рағбат ва механизмларни ишга солишга хизмат қилади.

Меҳрибон МАМЕТОВА,
ЎзА мухбири

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ — ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ АСОСИ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш марказида "Юксак ҳуқуқий маданият – фуқаролик жамияти асоси" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси сиёсий кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда Адлия вазирлиги, Ўзбекистон судьялар ассоциацияси, Юристлар малакасини ошириш маркази масъул ходимлари, ҳуқуқшунослар, партия фаоллари иштирок этди.

Партия сиёсий кенгаши раиси ўринбосари А.Раҳмонов, Адлия вазирлиги катта маслаҳатчиси Ҳ.Мардиев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий билими, ижтимоий-сиёсий фаоллигини юксалтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 1997 йил 25 июндаги "Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданият даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида"ги Фармони ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишга хизмат қилаётир.

– Ҳуқуқий таълимни янада ривожлантириш мақсадида янги дарслик ва ўқув қўлланмалари яратилмоқда, – дейди ЎзА мухбирига Юристлар малакасини ошириш маркази кафедра мудири, юридик фанлари доктори Бобоқул Тошев. – Конституция ва қонунлар, халқаро ҳуқуқ нормаларига шарҳлар чоп этилмоқда. "Сиз қонунни биласизми?", "Тафаккур синовлари", "Ёш ҳуқуқшунослар" каби кўплаб кўрик-танловлар ҳам йигит-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга хизмат қилмоқда. Бу соҳани интернет тармоғи орқали ҳам ривожлантиришга эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари миллий базаси – Lex.uz сайтида 37 мингдан зиёд қонун ҳужжатлари жамланган бўлиб, 50 мингдан ортиқ фойдаланувчига эга. Бугунги кунда соҳага ихтисослаштирилган 5 журнал, 40 га яқин газета фаолият юритмоқда.

Тадбирда партиянинг ҳуқуқий таълим-тарбияни такомиллаштириш, ҳуқуқий саводхонликни ошириш, фуқароларнинг сиёсий-ижтимоий фаоллигини кучайтиришга қаратилган лойиҳалари ҳақида маълумот берилди.

А.ҚИЁСОВА

ФАКТ ВА РАҚАМЛАРГА ЭЪТИБОРЛИРОҚ БЎЛАЙЛИК

АКС ҲОЛДА ЎҚУВЧИ ҲАМ, ТИНГЛОВЧИ ҲАМ ЧАЛҒИЙДИ

Куни кеча йўл транспорт соҳасидаги янгиланишлар изоҳига бағишланган матбуот анжуманида келтирилган баъзи рақамлар, асосларнинг оммавий ахборот воситаларида ё бузиб, ёки бўрттириб кўрсатилишига гувоҳ бўлдикки, таассуфки, бу ҳолат ушбу оммавий ахборот воситаларидан фойдаланувчилар фикрини чалғитишга хизмат қилмоқда. Бу ушбу эълон қилинаётган материалларга берилаётган шарҳлар, акс садо сифатида тайёрланаётган чиқишлар (мисол учун, kun.uz сайтида эълон қилинган материалардаги чалкашликлар, ушбу сайтга таянган ҳолда тайёрланган ozodlik.org материали)да яққол кўзга ташланмоқда.

Шунинг учун мазкур матбуот анжуманида сўз юритилган мавзулар борасида яна бир бор фикр билдириш, баъзи ўринлардаги чалкашликларга барҳам бериш мақсадида ушбу муносабат материали эълон қилинмоқда.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги мавзуга дахлдор бўлган бир қатор вазирлик ва идоралар раҳбарларини таклиф этган ҳолда катта матбуот анжумани ташкил этди. Бундан кўзланган мақсад энг аввало, пойтахт йўлларида олиб борилаётган қурилиш, трамвай йўлларини олиб ташлаш ҳамда қайси кўчалар кесишувларида кўприклар барпо этилиши масалаларидаги турли чалкашликлар, асосли ва асоссиз тахминлар, талқинларга чек қўйиш, кенг жамоатчиликни бу янгиликларнинг мазмун ва мақсадидан хабардор этиш эди.

Очиғи, пойтахтимизда фаолият юритаётган кўплаб оммавий ахборот воситалари – телевидение ва радио, газеталар, интернет нашрлари ушбу тадбирга катта қизиқиш билдиришди.

Тадбирда энг аввало, олиб борилаётган ишлар ҳақида батафсил ва тўлақонли тушунтириш берилди.

Биринчидан, пойтахтда транспорт оқими сўнгги йилларда қарийб бир ярим баробарга ортиб, мавжуд йўллар қуввати бу оқимга бардош бериши қийин кечмоқда. Мисол учун, Шота Руставели ва Муқимий кўчалари кесишувида транспорт қатнови йўл қувватига нисбатан 191 фоиз, Бунёдкор ва Муқимий кўчалари чорраҳасида эса 141 фоизни ташкил этаётгани ва бошқа нуқталардаги ўрганишлар натижалари ҳам келтириб ўтилди. Бу эса тирбандлик, ортиқча чиқим, йўловчи ва ҳайдовчилар хавфсизлиги деганидир.

Шу ўринда иқтисодий масала ҳам эътиборга молик. Хадра майдонидаги янги кўприк транспорт эгаларининг катта миқдордаги ёнилғи харажатларини ҳам иқтисод қилгани асослаб берилди. Масаланинг яна бир муҳим жиҳати, ҳозирга келиб, пойтахтнинг Беруний майдонидан йўлга чиққан йўловчи илгариги шаҳар маркази орқали ўтадиган йўлдан иккинчи, мисол учун "Бодомзор" шартли объектига бориши учун сарфлаган 20-25 дақиқа ўрнига бугун Нурафшон кўчаси орқали 7-8 дақиқа сарфламоқда. Демак, бу борада ишларни давом эттиришга тўла асос бор.

Анжуманда шаҳар ҳокими "Нурафшон" кўчаси етиб борган Беруний кўчаси чорраҳасидан Уйғур кўчасига ва ундан Чилонзор Оқтепа майдонигача ушбу кўчанинг узайтирилишини маълум қилди. Бу эса ушбу оралиқдаги бўш турган майдон ва кўчалар ҳамда бир қатор аҳоли хонадонларининг бузилиши ҳисобидан амалга оширилади. Уйлари бузилишга тушадиган хонадон эгалари ўз вақтида бу ҳақида огоҳлантирилган ва уларнинг ҳуқуқлари таъминланиши кафолатланган. Ушбу йўлнинг Оқтепага туташиши натижасида мазкур майдондаги кўприкка юк катталашади ва албатта, бу мазкур йўл ўтказиш нуқтасида ҳам реконструкция ишлари амалга оширилиши заруратини кун тартибига қўймоқда.

Ушбу йўлнинг Муқимий кўчаси бўйлаб давом этиши эса Шота Руставели кўчаси билан кесишув жойидаги шундоқ ҳам гавжумлик даражасини анчагина ошириши ҳисобга олингани ҳолда мазкур нуқтада ҳам йўл ўтказгичнинг барпо этилиши режалаштирилаётганини оқлайди. "Новза" метроси чорраҳасидаги тирбандликка барҳам бериш мақсадида ушбу чорраҳада ҳам замонавий кўприк барпо этилиши ҳақидаги илгаридан бор гап яна бир бор тасдиқланди. Пойтахт йўлларидаги шу ва яна бир қатор қурилиш ва йўлларнинг узайтирилиши натижасида янги, учинчи ҳалқа йўли пайдо бўлади. Бу эса шаҳримиз марказидаги транспорт ҳаракатини анчагина маромга келтириши кутилмоқда.

Интернет нашрлари, айниқса хорижий "жонкуяр" мухбирлар зўр бериб шарҳлаётган иккинчи масала – трамвай йўналишларининг ёпилиши билан боғлиқ. Аввалambор, ҳозир пойтахтимизда жами олтита йўналишда трамвай қатнайди: 13,26,8,9,17,12.

Бу катта Тошкент шаҳрида транспорт хизмати кўрсатишнинг атиги 3 фоизга яқин қисмини ташкил этади, холос. Бир кунда трамвай йўллари орқали ўртача 25 минг нафар одам ташилади. Метро, йўналишли таксиларни ҳисобга олмаган ҳолда, автобусларнинг кунига 700 000 нафар йўловчига хизмат кўрсатишини эътиборга олсак, трамвайларнинг олиб ташланиши бунчалик катта шов-шув қилиш учун объект эмаслиги кундай аён бўлади.

Трамвай йўлларининг демонтаж қилиниши энг аввало, йўловчи ва ҳайдовчилар, демакки, аҳоли хавфсизлиги, кундан-кун ошиб бораётган автомобиллар оқимини бир маромга солиш учун амалга оширилмоқда. Кимдир бу қарорнинг иқтисодий томонига урғу бераётган экан, бу албатта янглиш фикр-дир. Қолаверса, трамвай йўллари аҳолининг ва мутахассисларнинг фикри ва хулосаларига таяниладиган бўлсак айнан йўлларда ноқулайликлар келтираётгани фактдир.

Катта майдонни эгаллагани ҳолда уларнинг кўрсатаётган хизмати салмоғи буни оқлаётгани йўқ. Мана, навбатдаги таҳлилга эътибор қилинг, шаҳар транспортида "эксплуатацион тезлик" деган тушунча бор. Айнан эксплуатацион тезлик кетадиган сарф-харажатлар билан бирга, энг муҳими, йўловчиларнинг қимматли вақтини ҳам эътибор марказига олиб чиқади. Мисол учун, зўр бериб намуна қилинаётган бир пойтахт шаҳардаги трамвайнинг эксплуатацион тезлиги соатига 11-15 километрни ташкил этаркан. Бу эса мазкур хизматнинг нечоғли норентабелли ва нооқилона эканлигини яққол кўрсатиб турибди-ку.

Навбатдаги савол: Хўш, трамвай йўналишлари ўрнига қандай компенсация бўлади? Ҳар бир йўналишда айнан шу йўналишда юрувчи транспорт эканини англатиб туриши учун шу рақам олдига "Т" белгиси қўйилган автобуслар ҳали трамвай йўллари бўйлашидан бир ой олдиндан бошлаб параллел равишда ҳаракатга қўйилади. Бир ой давомида йўловчилар бу хизматни синовдан ўтказиш ва ўрганишлари учун етарли, албатта.

Трамвай йўлларининг тақдири нима бўлади? Уларнинг асосий қисми ўрнида автомобиль йўллари қурилади, яъни мавжуд йўллар кенгайтирилиб, замонавий ва қулай йўлларга айлантирилади, баъзи ўринларда бунга эҳтиёж бўлмаса, ободонлаштириш ишлари олиб борилади, яъни яшил ҳудудлар ташкил этилади. Трамвай линияларининг аксарият қисми таъмирга муҳтож, энг ёмони, уларни таъмирлаш ҳам катта маблағ талаб этувчи машғулот ҳисобланади. Ҳатто баъзи ўринларда рельсларни кўчириб олишнинг "улови" "тушови"дан қимматга тушиши сабабли улар устига асфальт қопламалари ётқизишга қарор қилинмоқда.

Кўпчилик "жонкуяр дўстларимиз" урғу бераётган трамвайларнинг тақдири ҳақида икки оғиз сўз айтамиз. Аввалambор, "Тошшаҳартрансхизмат" АК дан олинган маълумотларга кўра, шаҳар трамвай паркида жами бўлиб 87 (саксон етти) та трамвай мавжуд бўлиб, улардан 51 таси ишга яроқли ҳолда. Ушбу трамвайларнинг кунлик иш ҳажмидан келиб тушадиган даромадга нисбатан қилинаётган харажат икки баробар ортиққа тушмоқда, янада аниқроқ айтиладиган бўлса, бир йўловчига хизмат кўрсатиш таннархи 2 864 сўмни ташкил этаётир. Улар ўрнига автобусларнинг қўйилиши билан харажатлар ва даромадлар балансига эришиш, яъни харажат ва даромадлар ҳажми тенглашиши кутилмоқда.

Бу ўринда қайсидир шошқалоқ мухбирнинг 802 та трамвай тўғрисидаги "битик"лари ҳам ўринсиз қолмоқда.

Тошкент Ўзбекистоннинг пойтахти, ундаги қайноқ ҳаёт жамиятимиздаги жўшқинликдан дарак. Кундан кун кўлами ошиб бораётган транспорт оқими эса, шубҳасиз фуқароларнинг фаровонлиги, даромадлари ошаётганидан далолат эканлигини инкор этиб бўлмайди. Шундай экан, вақти келиб, бир куни ошиғич қарорлар қабул қилишга дўппи тор келмасидан эртанги куннинг тадоригини кўриб боришнинг нимаси ёмон?

Пойтахт ҳокимлиги фаолияти ушбу соҳа билан бевосита ва билвосита боғлиқ бўлган ташкилот раҳбарлари иштирокида мавзу юзасидан туғилиши мумкин бўлган ҳар қандай саволларга атрофлича, батафсил, халқ тили билан айтганда, "ижикилаб" тушунтириш берганига сабаб ҳам оддий ҳамюртларимиз бу ишларнинг моҳиятига етсин, пировард мақсадимиз уларга етиб борсин.

Баъзида жарчининг хотираси сустлиги ёки лоқайдлиги, безъятиборлиги хабарни эгасига ё кечикиб ёки бузилиб етиб боришига сабаб бўлар экан. Замонамизда эса фактларни бўяб-бежаб обрў топиб бўлмаслиги кундай аёндир.

Ҳусан ЭРМАТОВ,
Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Ахборот хизмати раҳбари

МУЛК ОБЪЕКТЛАРИ МУҲОФАЗАСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Интеллектуал мулк замонавий ҳамда нисбатан янги тушунча бўлиб, биз бу номни эшитганимизда дарҳол уни тасаввур этишимиз мушкул, бироқ бугунги кунда интеллектуал мулк объектлари аллақачон кундалик ҳаётимизнинг бир қисмига айланиб улгурган. Шунга кўра интеллектуал мулк объектлари деганда ҳар кун истеъмолда ҳамда фойдаланишда бўлган товар ва хизматлар, шунингдек, санъат ва ижод намуналари, қисқа қилиб айтганда, инсон ақл-заковати билан ҳамда унинг ёрдамида яратилган жамики моддий бойликларни тушуниш лозим бўлади.

Кейинги йилларда замонавий технология ютуқларидан фойдаланган ҳолда интеллектуал мулк объектлари миқёсининг кенгайиб бораётганлиги боис уларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

Юртимизда интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш тизими 1992 йилда яратилган бўлиб, шу қисқа фурсат давомида Ўзбекистон Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ)га аъзо бўлди, "Саноат мулкини муҳофаза қилиш бўйича" Париж конвенцияси, "Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш учун Мадрид битимига доир баённома" ва протокол, "Патент кооперацияси тўғрисида"ги шартнома (РСТ), "Товар белгиларига оид қонунлар тўғрисида"ги шартнома (TLT), "Патент ҳуқуқи тўғрисида"ги шартнома, "Ўсимликларнинг янги навларини муҳофаза қилишга оид халқаро конвенция" (UPOV), "Патент тадбирлари мақсадлари учун микроорганизмларни депонентлаштиришни халқаро эътироф этиш тўғрисида" ги Будапешт шартномаси, "Белгиларни рўйхатдан ўтказиш учун товар ва хизматларнинг халқаро таснифи тўғрисида"ги Ницца битими, "Халқаро патент таснифи тўғрисида"ги Страсбург битими, "Саноат намуналарининг халқаро таснифини таъсис этиш тўғрисида"ги Локарно битими каби нуфузли халқаро шартномаларга қўшилди.

Ҳозир Ўзбекистонда интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш соҳасида 8 та давлатлараро, 10 та ҳукуматлараро ва 17 та идоралараро шартнома ва битимга амал қилинмоқда. Мазкур ҳужжатлар илмий-техникавий ишланмаларни чет элда муҳофаза қилишга ва экспортчиларнинг ташқи иқтисодий фаолиятига ёрдам беради.

Интеллектуал мулк объектлари жуда кенг тушунча бўлиб, у илк бор 1967 йилги Стокгольм Конвенциясида учрайди ва ўз ичига жуда кўплаб соҳаларни қамраб олади.

Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ)нинг интеллектуал мулк объектларига берган таърифига кўра, инсон ақл-заковати билан кашф этилган барча моддий бойликлар интеллектуал мулк объектлари сирасига киради.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида интеллектуал мулк объектларининг кўлами атрофлича таснифланади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 1031-моддасига асосан, интеллектуал мулк объектлари жумласига қисқа қилиб айтганда қуйидагилар киради: 1) интеллектуал фаолият натижалари: 2) фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар, ишлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар: 3) ушбу Кодексда ёки бошқа қонунларда назарда тутилган ҳолларда интеллектуал фаолиятнинг бошқа натижалари ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар.

Интеллектуал мулк объектлари муҳофазаси масаласига келсак, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг объектив ифодаланган интеллектуал фаолият натижаларига бўлган мутлақ ҳуқуқи — интеллектуал мулки қонун билан кўриқланади ва давлат томонидан муҳофаза қилинади. Мутлақ ҳуқуқ объекти бўлган интеллектуал мулкдан бошқа шахслар фақат ҳуқуқ эгасининг розилиги билангина фойдаланишлари мумкин. Шунинг учун, интеллектуал мулкдан ҳар қандай қонунсиз фойдаланиш ҳуқуқнинг қўпол бузилиши ҳисобланади.

Интеллектуал мулк объектларига бўлган мутлақ ҳуқуқларнинг бузилишини тиклашнинг энг самарали усулларидан бири, бу — давлат органлари ҳамда суд идораларига даъво ва шикоят билан мурожаат қилиш ҳисобланади.

Хусусан, хўжалик судлари доирасида ҳам интеллектуал мулкнинг ажралмас қисми ҳисобланмиш фирма номи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳамда уларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш билан боғлиқ низоларни кўриб ҳал қилиниш тенденцияси ошиб бормоқда.

Биргина Тошкент шаҳар хўжалик суди томонидан фирма номи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳамда уларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш билан боғлиқ 2013 йилда 18 та, 2014 йилда 30 та ва 2015 йилда 38 та хўжалик низолари мазмунан кўриб ҳал этилган.

Ушбу тоифадаги ишлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, "Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида"ги, "Фирма номлари тўғрисида"ги Қонунлар, шунингдек, 2009 йил 24 январда 1889-сон билан рўйхатга олинган "Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг Апелляция кенгашига апелляциялар ва аризаларни топшириш ҳамда кўриб чиқиш Қоидалари" ва 2009 йил 29 июлда 1988-сон билан рўйхатга олинган "Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш Қоидалари" асосида ҳал этилмоқда.

Мазкур тоифадаги ишлар жумласига асосан товар белгисига доир гувоҳномани ёки товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топиш, товар белгиларидан фойдаланишни тўхтатиш мажбуриятини юклаш, товар белгисига доир гувоҳноманинг амал қилишини муддатидан аввал тугатиш, ЎзР Интеллектуал мулк агентлиги Апелляция кенгашининг қарорини ҳақиқий эмас деб топиш, Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясининг юридик шахсни тегишли фирма номи остида рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талаблар киради.

Таъкидлаш жоизки, мазкур низолар билан бир қаторда хўжалик суди томонидан фойдали модель ва саноат намуналарига бўлган мутлақ ҳуқуқни бузувчи ҳаракатларни тўхтатиш ва етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги низолар ҳам мазмунан кўриб ҳал этилмоқда.

Шу ўринда хўжалик суди томонидан мазмунан кўриб ҳал этилган интеллектуал мулк объектларидан ноқонуний равишда фойдаланганлик учун бузилган ҳуқуқларни тиклашга оид суд амалиётидан қуйидаги мисолларни келтиришимиз мумкин.

Фирма номининг муҳофазасига оид суд амалиётидан мисол шундан иборатки, "Intel Corporation" корхонаси жавобгарлар Тошкент шаҳар Статистика бошқармаси ва Яккасарой туман Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясига нисбатан хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Тошкент шаҳар Статистика бошқармасининг 2008 йил 13 мартдаги бошқа бир корхона "Intell group" хусусий корхонаси фирма номининг "Intel" сўзи билан адаштириш даражасида ўхшаш эмаслиги тўғрисида берган маълумотномасини ва Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясининг 2009 йил 20 июлдаги "Intellbusiness group" хусусий корхонасини фирма номи остида рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қарорини қисман ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Маълум бўлишича, 2001 йил 20 августда Давлат патент идораси (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги)да "Intel Corporation" корхонаси номига "intel" товар белгиси рўйхатдан ўтказилиб, унга гувоҳнома берилган.

"Intellbusiness group" хусусий корхонаси таъсисчилари ушбу корхонани рўйхатдан ўтказиш мақсадида бошқа номлар билан бирга Тошкент шаҳар Статистика бошқармасига сўровнома берган. Бошқарма томонидан 2008 йил 13 мартда "Intellbusiness group" фирма номи мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома берилган. Натижада, 2009 йил 20 июлда "Intellbusiness group" ХК Яккасарой туман Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясидан рўйхатдан ўтказилган.

Бироқ, даъвогар ушбу ҳолатларни ФК 1098-моддасининг учинчи қисмига зид деб ҳисоблаб судга мурожаат қилган.

ФК 1098-моддасининг учинчи қисмига асосан юридик шахснинг фирма номи тегишли юридик шахсларни айнан бир деб ҳисоблашга олиб келиши мумкин бўлган даражада аввал рўйхатдан ўтказилган номга ўхшаб кетадиган бўлса, у рўйхатга олиниши мумкин эмас.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорига асосан даъво талабининг Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясининг 2009 йил 20 июлда "Intellbusiness group" хусусий корхонаси фирма номи остида рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қарорини қисман ҳақиқий эмас деб топиш қисмини қаноатлантиришни рад этган. Суднинг бундай хулосага келишда даъвогар томонидан келтирилаётган ФК 1098-моддасининг учинчи қисмидаги нормани мазкур ҳолатга татбиқ этиб бўлмайди деб ҳисоблаган.

Суд томонидан даъвонинг фирма номини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қарорни қисман ҳақиқий эмас деб топиш қисмини ҳам "Intel Corporation" корхонаси номидаги "intel" сўзи компаниянинг дастлабки номи "Integrated Electronics"нинг қисқартмасидан олинганлиги ҳамда "Intellbusiness group" хусусий корхонаси вакилларининг берган тушунтиришлари ва ёзишмаларидан кўринишича "Intellbusiness group" хусусий корхонасининг фирма номидаги "intell" сўзи эса инглиз тилидаги "Intellectual", "Intelligent", "Intelligence" сўзларидан олинганлиги маълум қилинганлиги сабабли, шунингдек, фирма номидаги "intell" сўзида "intel" сўзидан фарқли равишда иккита инглизча "LL" ҳарфлари мавжуд. Шунга асосан суд бу икки корхона фирма номида фойдаланилган сўзлар адаштириб юбориш даражасида ўхшаш ҳисобланмаслиги боис "Intellbusiness group" фирма номидаги "intell" сўзи "Intel Corporation" фирма номидаги "intel" сўзидан олинмаган деган хулосага келган. Шу сабабли, даъво талабининг бу қисмини ҳам рад этган.

Бундан ташқари, хўжалик судлари Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги *Апелляция кенгашининг қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги* даъволарни ҳам кўриб мазмунан ҳал қилади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги аризачининг талабномасига асосан, товар белгиси ва бошқа интеллектуал мулк объектларини давлат рўйхатидан ўтказади ҳамда гувоҳномалар беради. Агентлик томонидан бундай талабномаларни рўйхатдан ўтказиш рад этилганда, аризачи қонунда белгиланган муддатларда Агентликнинг қарори устидан Апелляция кенгашига шикоят билан мурожаат қилиши мумкин.

Аризачининг шикояти Апелляция кенгаши томонидан ҳам рад этилган тақдирда талабнома берувчи Апелляция кенгашининг қарори устидан қарор қабул қилинган санадан эътиборан *олти ой* мобайнида судга шикоят беришга ҳақли.

Шунингдек, товар белгисига доир гувоҳномани ёки товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъволар ҳам хўжалик судининг судловига тегишлидир.

Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилишда объектларнинг доираси кенглиги ҳамда замон талабига ҳамоҳанг тарзда жадал ривожланиб бораётганлиги туфайли амалиётда қонун ҳужжатларида ўз аксини топмаган ҳолатларнинг ҳам учраши табиий ҳолдир.

Юқорида таъкидлаб ўтилганлардан келиб чиқиб хулоса қилиб айтиш мумкинки, бугун интеллектуал мулк объектларига бўлган талаб ошиб бораётганлиги ҳамда бундай объектларнинг янгидан янги турларининг пайдо бўлаётганлиги муносабати билан уларнинг муҳофазасига бўлган талабларни ҳам янада мукаммаллаштириш, қонун нормаларини такомиллаштириш ҳамда интеллектуал мулк объектларининг эгаси бўлган ҳар қандай шахс ва ташкилотнинг манфаатларини ҳимоя қилиш муҳим аҳамият касб этувчи долзарб масалалардан бири бўлиб қолиши лозим.

Д.АРИПОВ,
Тошкент шаҳар хўжалик суди раисининг ўринбосари

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛИДА

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси томонидан ташкил этилган "Билимлар беллашуви – 2016" танловининг туман босқичлари якунланди.

Таълим тизимини такомиллаштириш, ёшларни жаҳон стандартлари асосида ўқитиш, юксак интеллектуал салоҳиятли авлодни тарбиялаш Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишидир.

"Билимлар беллашуви" танлови мактаб, туман, шаҳар ва мамлакат миқёсида ўтказилади. Мазкур интеллектуал беллашувдан кўзланган асосий мақсад истеъдодли ўқувчиларни аниқлаш ва уларни рағбатлантиришдир.

Мирзо Улуғбек туманидаги 208-умумтаълим мактабида ўтказилган туман босқичида 1100 дан ортиқ ўқувчи 16 фан бўйича ўз билимини намойиш қилди. Математика, физика, ўзбек ва рус тиллари бўйича тест ва ёзма иш ўтказилди. Инглиз тили бўйича ўқувчилар матнни тинглаш ва сўзлаб бериш, тест ва оғзаки имтиҳон топширди.

– Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида инглиз тили бўйича беллашувлар янада кучайтирилди, – дейди инглиз тили ўқитувчиси Галина Азатьян. – Бундан ташқари, айни пайтда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш кўникмаси ўқувчилар билимининг муҳим таркибий қисмига айланди. Танловда давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 21 мартдаги "Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ амалга оширилаётган ишлар самараси намоён бўлди. Иштирокчилар нафақат тез ва тўғри жавоб берди, балки ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш маҳоратини намойиш қилди.

Ушбу танловнинг ўтказилиши ўқувчиларда фанларга нисбатан қизиқиш, ўз билимига ишониш, илм олишга интилишни кучайтиради. Фанлар бўйича мукаммал ўқув дастурлари ва режалари ишлаб чиқиш, дарслик ва қўлланмалар, ўқув-методик мажмуалар яратишга хизмат қилади. Шунингдек, таълим сифати ва самарадорлиги, ўқитувчилар малакаси ва маҳоратини таҳлил қилиш имконини беради.

Энг яхши натижаларга эришган ўқувчилар "Билимлар беллашуви – 2016" танловининг шаҳар босқичида иштирок этади.

Ирина ДОЛЕНКО,
ЎзА мухбири

СОҒЛОМ ВА БАХТЛИ ОИЛА – МУСТАҲКАМ ЖАМИЯТ ПОЙДЕВОРИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида "Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантиришнинг долзарб муаммолари: услублар, назария ва амалиёт" мавзусида семинар бўлиб ўтди.

"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Фридрих Эберт номидаги жамғарма (Германия), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, ЮНЕСКОнинг МОСТ дастури бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Миллий университети билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбир "Соғлом она ва бола йили"га бағишланди.

Унда етакчи социолог олимлар, демографлар, ҳуқуқшунослар, иқтисодчилар, сиёсатшунослар, олий ўқув юртларининг ўқитувчи ва талабалари, республика илмий-тадқиқот институтлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Семинарда сўзга чиққанлар мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлида оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг жамиятдаги роли ва мавқеини оширишга қаратилган кенг қамровли ишлар олиб борилаётганлигини таъкидлаб ўтдилар.

Дарҳақиқат, юртимизда миллат генофондини яхшилаш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни тарбиялаш, аёлларнинг оналик ва касбий вазифаларини ўзаро уйғунлаштириш борасида кўпгина ишлар амалга оширилди. Соғлом авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш борасида зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

Тадбирда "Ижтимоий фикр" марказининг комплекс социологик тадқиқотлари асосида аҳоли ўртасида ўтказилган ижтимоий сўров натижалари ҳам тақдим этилди. Унга кўра замонавий жамиятда аёлларнинг роли ошаётганлиги, уларнинг давлат ва жамият қурилиш жараёнларида фаол иштирок этаётганлиги эътироф этилган.

Албатта, бугун аёлларимиз ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётнинг барча жабҳаларида муносиб фаолият юритиб келмоқда. Давлат ҳокимияти идоралари ва жамоат ташкилотлари ишида фаоллик кўрсатмоқда. Шу билан бирга, ёш авлод тарбияси, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва халқ фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Семинарда яна бир қатор масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Абдували СОДИҚОВ

Реклама ўрнида

IPOTEKA BANK

ТАДБИРКОРЛАРНИНГ СУЯНЧИ ВА ТАЯНЧИ

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётимизнинг асосий бўғинига айланди. Шу боис соҳани ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз томонидан қабул қилиниб, амалиётга татбиқ этилаётган қонун ҳужжатлари кичик бизнес субъектлари сонининг ортиб боришига замин яратмоқда.





Шу ўринда айтиш жоизки, бунда тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларига ажратилаётган кредитлар замонавий технологияларни жалб қилган ҳолда сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тизимининг ривожланишига катта ҳисса қўшмоқда. "Ипотека банк" АТИБ ва унинг филиаллари ана шундай банклар қаторига киради. Улар томонидан ажратилаётган кредитлар тадбиркорлар учун молиявий манба вазифасини ўтамоқда.

2015 йил давомида "Ипотека-банк" АТИБ Ангрен филиали томонидан Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида жами 17,6 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилган. Шундан кичик бизнес субъектларига ажратилган микрокредитлар 4,3 миллиард, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришга 2,4 миллиард, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга 3,8 миллиард, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳалари учун 1,7 миллиард, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлашга 1,4 миллиард ҳамда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик лойиҳалари учун 431 миллион сўм маблағлар ажратилди.

Шоҳиста МАДИЯРОВА,
"Shahliya" масъулияти чекланган жамияти раҳбари:

— Мамлакатимиз банкларининг молиявий ресурс базаларининг кенгайиб бориши биз, тадбиркорларга кенг имкониятлар яратмоқда. 2015 йилда корхонамизни ташкил қилиш учун биринчи сармоя сифатида "Ипотека банк" АТИБ Ангрен филиалининг кредит маблағларидан фойдаландик. Мазкур банк томонидан ажратилган 150 миллион сўм миқдоридаги кредит маблағлари эвазига тикув машиналари ва хом-ашё маҳсулотлари сотиб олинди, 25 та янги иш ўринлари яратилди. Бугунги кунда корхонамизда эркаклар ва аёллар, катталар ва кичиклар учун турли кийим-кечаклар ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, коллеж талабалари учун формалар ва буюртма асосида турли хил кийимлар тикилмоқда. Катта-катта мақсадларни олдимизга қўйган ҳолда иш олиб бормоқдамиз. Бунда давлатимиз томонидан тадбиркорларга яратилаётган имкониятлар ва тижорат банклари томонидан берилаётган кредитлар муҳим омил бўлмоқда.

Мукаррам КАЗАКБАЕВА,
"Angren Guli-Muattar" масъулияти чекланган жамияти раҳбари:

— 2015 йил сентябрь ойида "Ипотека банк" АТИБ Ангрен филиали томонидан тиббий ускуналар сотиб олиш учун 147,5 млн. сўм миқдорида кредит маблағи ажратилди. Бугунги кунда жамиятимиз аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Кредит эвазига келтирилган технологиялар туфайли 5 та янги иш ўринлари яратилди. 2016 йилнинг "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилиниши муносабати билан оналар ва болалар саломатлигини сақлашга янада кўпроқ эътибор қаратмоқдамиз.

Мурод АНАРКУЛОВ,
Тошкент вилояти, Ангрен шаҳридаги "Alp Sher Qudrati" масъулияти чекланган жамияти раҳбари:

— Тижорат банклари томонидан биз, тадбиркорларга ниҳоятда катта амалий ёрдам кўрсатиляпти. Қисқа муддат ичида кредит олиш имконияти яратилган. Ушбу имтиёзлардан самарали фойдаланиб, "Ипотека банк" АТИБ Ангрен филиалидан 2016 йил февраль ойида 570 миллион сўм миқдорида умумий овқатланиш фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида кредит олдим. Ушбу кредит туфайли ошхона биноси кенгайтирилди ва ажратилган кредит ҳисобига 10 нафар йигит-қиз иш билан таъминланди.

Ситора НАБИЕВА, коллеж битирувчиси:

— Ангрен маиший хизмат кўрсатиш коллежини битирганман. Тадбиркорликка қизиқиб, шаҳардан олис бўлган қишлоқда кичик озиқ-овқатлар дўконини ташкил этиш мақсадида "Ипотека банк" АТИБ Ангрен филиалидан 19 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит олдим. Бугунги кунда тадбиркорлик фаолиятимни янада ривожлантириш борасида изланаяпман. Банкларнинг биз, ёшларни молиявий қўллаб-қувватлаётгани олдимизга қўйган мақсадларимизнинг амалга ошишида катта мадад бўлмоқда.

Юсуф ҲАЙДАРОВ,
"Angren–ravnaq fayz" оилавий корхонаси раҳбари:

— Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар мулк шаклларининг ривожланиши учун катта имкон яратмоқда. Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини юксалтириш борасидаги ишлар жадал суръатларда амалга оширилмоқда. Иқтисодиётимизнинг бу бўғинини ривожлантиришда банкларнинг аҳамияти беқиёс. 2015 йилда "Ипотека банк" АТИБ Ангрен филиалининг кредит маблағлари ёрдамида савдо дўкони очдик. Бу ерда оилавий фаолият олиб бормоқдамиз. Мазкур кредит сабабли оиламиз даромади яхшиланди, турмушимиз фаровонлашди.

Мирзаҳмат ШАХАНОВ,
"Semg`uron Oltin Balig`i" масъулияти чекланган жамияти раҳбари:

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида "Ипотека-банк" АТИБ Ангрен филиалидан балиқчилик фаолиятини ривожлантириш мақсадида имтиёзли кредит олдим. Ҳозирда фермерлик хўжалигини янада кенгайтириш борасида иш олиб бормоқдаман.

Абдуалим САЛИМОВ тайёрлади

Хизматлар лицензияланган

БИЛИМЛИ ЁШЛАР ҚАЛБИМИЗ ГАВҲАРИ

Тошкент темир йўл муҳандислари институтида факультетлараро "Тафаккур синовлари" кўрик-танлови ўтказилди.

Ундан кўзланган асосий мақсад юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш ҳамда талаба-ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини янада кенгайтиришдан иборат. Кўрик-танловда электромеханика факультетининг "Тараққиёт", қурилиш факультетининг "Истиқбол авлодлари", ташишни ташкил этиш ва транспорт логистикаси факультетининг "Баркамол авлод" ҳамда иқтисодиёт факультетининг "Мустақиллик фарзандлари" жамоалари ўзаро беллашди.

Унда жамоалар институтда яратилган шароитлар, илмий ижод ва малакавий изланишлар учун мавжуд имкониятлар, Ўзбекистоннинг янги тарихи даври тараққиёти, сўнгги йилларда мамлакатимиз суд-ҳуқуқ ва ижтимоий-сиёсий тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, шунингдек, юксак маънавиятли баркамол авлодни тарбиялаш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган таклифларини кўргазмали тарзда намойиш этиш, тезкор савол-жавоб, саҳнада тафаккур синови, муаммо ва ечим, ёшларга оид қонунчилик – талабалар нигоҳида шартлари асосида беллашдилар.

Танловда "Муаммо ва ечим номинацияси" бўйича ташишни ташкил этиш ва транспорт логистикаси факультети, "Тезкор савол-жавоб номинацияси" бўйича иқтисодиёт факультети, "Ёшларга оид қонунчилик — талабалар нигоҳида" номинациясида қурилиш факультети "Саҳнада тафаккур синови" номинациясида электромеханика факультети жамоалари ғолибликни қўлга киритди ва кейинги босқичга йўлланма олди.

Шунингдек, жамоалар институт касаба уюшма қўмитасининг фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Хуршида ЮСУПОВА,
ЎзМУ магистранти





Тадбирлар

САМОЛАРНИ ҚУЧГАН ВАРРАГИМ

Айни кунларда шаҳримизнинг турли гўшаларида қатор ташкилотлар томонидан болажонлар учун варрак сайиллари ўтказилиб келинмоқда.

Жумладан Тошкент шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан 21-сонли Меҳрибонлик уйида "Самоларни қучган варрагим" мавзуида маънавий-маданий тадбир ташкил қилинди.

Унда Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институтининг профессор-ўқитувчилари ва талабалари иштирок этиб, болажонларга янада қувонч улашишди.

— Мазкур варрак сайлини ўтказишда яқиндан кўмаклашган ташкилотчиларга жамоамиз ва муассасамизда тарбияланаётган болажонлар номидан ўз миннатдорчилигимизни билдираман, — дейди 21-Меҳрибонлик уйи маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Ҳамида Аҳмаджонова. — Болажонларнинг юзидаги хурсандчилик, шўх-шодон кулгулари шу юртда ўсиб-улғаяётганидан мамнунлиги далолатидир.

Дарҳақиқат, юртимизда келажак авлодга алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Шу ўринда меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болажонлар учун ҳам "Ҳеч ким меҳр-эътибордан четда қолмасин" шиори остида турли хил тадбирлар ўтказилиб, байрамларда совға-саломлар билан тақдирланиб келинади.

Тадбирда эстрада хонандаларининг куй ва қўшиқлари ҳамда мазкур меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари томонидан тайёрланган шўх рақс ва турли чиқишлар иштирокчилар кўнглига янада кўтаринки кайфият улашди.

Зафар НАЗАРОВ
Ислом Исмоилов олган суратлар

МЕҲР КЎРСАТИШ – ОЛИЙ САОДАТ

Мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотлари билан ҳамкорликда ўтказилган "Меҳр куни" акциясида бу жиҳатлар янада яққолроқ намоён бўлди. Унда Чилонзор туманидаги ижтимоий ҳимояга муҳтож, ёлғиз кексалар ва хизмат бурчини ўташ чоғида вафот этган ҳарбийлар оилалари ҳолидан хабар олинди.

Университет педагоглар жамоаси, талабалар ва фаол ёшлардан иборат гуруҳ кексалар хонадонида бўлиб, уларга уй юмушларида ёрдам берди. Хонадонлар атрофи тозаланиб, ҳовли-жойлар тартибга келтирилди. Янги кўчатлар ўтказилиб, дарахтлар оқланди.

Нуронийлар мустақилликнинг ёшлар қатори ёши улуғ инсонларга ҳам берган қулай шарт-шароитлари, унинг қадрига етиб, Ватанни ардоқлаш лозимлиги ҳақида сўзлаб берди.

– Ўғлим Шермуҳаммад юртимиз тинчлиги, осойишталиги йўлида жон фидо этган, – дейди ЎзА мухбирига Муниса ая Ашурова. – Унинг жасорати, Ватанимизга бўлган меҳри, оиласига садоқати ёшларга ўрнак бўлгулик. Мард ўғлимнинг ёди қалбимизда мангу яшайди.

Тадбир давомида нуронийлар, ҳарбийлар оилалари соҳибларига эъзоз ва эҳтиром кўрсатилиб, меҳр-оқибат, ўзгалар кўмагига муҳтожлар қўллаб-қувватланди.

Б.МЕЛИҚУЛОВА

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида "Соғлом бола – соғлом оила меваси" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

БИЗ СОҒЛОМ ОИЛА ТАРАФДОРИМИЗ

Университет хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ўтказилган тадбирда Тошкент тиббиёт академияси, Республика аҳоли репродуктив саломатлик маркази мутахассислари талабаларга соғлом турмуш тарзи, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари ҳақида сўзлаб берди.

Мамлакатимиз таълим муассасаларида таълим ва тарбия уйғун тарзда олиб борилмоқда. Ўқув юртларида ташкил этилган "Ёш оила қурувчилар мактаби" тўгаракларида малакали шифокор ва психологлар, кўпни кўрган нуронийлар иштирокида соғлом оилани шакллантиришнинг тиббий-ҳуқуқий асослари, касалликларнинг олдини олиш, тиббий маданият ҳақида мулоқотлар ўтказилмоқда.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ҳам "Ёш оила қурувчилар мактаби", "Никоҳ – муқаддас ришта", "Ёш оналар мактаби" тўгараклари талаба-ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбирда никоҳдан олдинги тиббий кўрикнинг аҳамияти, фарзандлар саломатлигида ота-онанинг масъулияти, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоялаш, тўй-маросимларни миллий анъаналарга мос тарзда ўтказиш ҳақида сўз юритилди. Талабаларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

Моҳинисо ТИЛЛАЕВА

Спорт янгиликлари

ТЕРМА ЖАМОАМИЗНИНГ МУҲИМ ҒАЛАБАСИ

Кеча "Бунёдкор" стадионига йиғилган минглаб мухлислар футбол бўйича 2018 йилда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатига ҳамда 2019 йилда уюштириладиган Осиё Кубогига қўшма саралаш турнирининг иккинчи босқичи доирасида "Н" гуруҳи вакиллари — Ўзбекистон — Баҳрайн миллий терма жамоалари учрашувига гувоҳ бўлишди.

Ушбу гуруҳда ўтказилган еттита учрашувдан кейин 18 очко жамғарган Ўзбекистон миллий терма жамоаси биринчи ўринни эгаллаган, Шимолий Корея терма жамоаси 16 очко билан иккинчи ўринда бораётган эди. Нима бўлганида ҳам Самвел Бабаян шогирдларига ғалаба зарур эди.

Учрашув бошланди. Очиғини айтиш керак, футболчиларимиз ўйин давомида устунликка эришишди. Аммо, меҳмонлар ҳам хужумкор ўйин кўрсатишга интилишди. Барибир омад терма жамоамиз тарафида бўлди. 50-дақиқада Сардор Рашидов томонидан рақиб дарвозасига киритилган гол миллий терма жамоамизнинг 1:0 ҳисобида ғалаба қозонишини таъминлади. Томонлар қолган дақиқаларда дарвозалар томон хавфли хужумлар уюштирган бўлсаларда 1:0 ҳисоби сақланиб қолди. Ушбу муҳим ғалаба терма жамоамизнинг "Н" гуруҳида мутлақ пешқадам эканлигини исботлади ва энди футболчиларимиз жаҳон чемпионатига саралаш турнирининг сўнгги ҳал қилувчи учинчи босқичида иштирок этишади.

Ушбу гуруҳдаги Филиппин — Шимолий Корея баҳси 3:2 ҳисобида майдон эгаларининг ғалабаси билан якунланди.

Тошкентда мини-футбол бўйича Ўзбекистон ХХ миллий чемпионати олий лигасининг биринчи босқич тўртинчи тур учрашувлари бошланди. Унда энг кучли ўн жамоа иштирок этмоқда.

ТЎРТИНЧИ ТУР БОШЛАНДИ

Дастлабки кунги баҳсларда мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони – Тошкент вилоятининг "Олмалиқ" жамоаси "Бунёдкор" (Тошкент) вакилларини 6:2 ҳисобида мағлубиятга учратди. Тошкентнинг икки жамоаси – "Ардус" ва "Локомотив" ўртасидаги баҳс 6:1 ҳисобида якунланди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: "Когон" (Бухоро) – "Нафис" (Самарқанд) 8:4, "Максам-Чирчиқ" (Чирчиқ) – "Пахтакор" (Тошкент) 3:3, "Дўстлик AIN" (Қарши) – "Турон-С"(Андижон) 7:1.

Б.АЙТМУРОДОВ,
ЎзА мухбири

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ МАРОКАШГА БОРИШАДИ

Жорий йилнинг 23-27 май кунлари Марокашда ФИФА ташаббуси билан қанот ҳакамлари — лайсменлар учун махсус ўқув-семинари ташкил этилади.

2018 йилда Россияда уюштириладиган жаҳон чемпионатига қанот ҳакамларини муносиб тайёрлаш мақсадида ташкил этиладиган ушбу ўқув-семинарларида Осиё қитъаси мамлакатларидан 14 нафар лайсмен иштирок этади. Эътиборлиси шундаки, ўқув-семинарларига ҳамюртларимиз Абдуҳамидуллоҳ Расулов ва Жаҳонгир Саидов ҳам таклиф қилинди.

Пойтахтимизда "Пахтакор" жамоасининг маҳоратли футболчиси, "ўзбек Пелеси" деб ном қозонган чарм тўп устаси Ҳамид Раҳматуллаев хотирасига бағишланган футбол турнири ўтказилди.

ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР ХОТИРА ТУРНИРИ СОВРИНДОРИ

Унда футбол жамоаларининг 2000 йилда туғилган ўсмирлардан таркиб топган жамоалари иштирок этишди.

Муросасиз, қизиқарли курашлар остида кечган мусобақада "Локомотив" тарбияланувчилари шоҳсупанинг энг юқори поғонасини эгаллаб турнир ғолиблигини қўлга киритишди.

Дастлаб "Андижон" жамоасини 5:1 ҳисобида енга олган темирйўлчиларга "Чилонзор" жамоасини 5:3 ҳисобида мағлуб этиш қийинчилик туғдирмади. Ярим финалда "Бухоро" жамоасидан 5:2 ҳисобида устун келган "Локомотив" бош соврин учун "Пахтакор" жамоаси билан беллашди. Шиддатли, хужумкор кечган учрашувда Ҳурмат Йўлдошев томонидан дарвозага киритилган ягона гол "Локомотив"га ғалабани туҳфа этди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент автомобиль-йўллар институти 2015-2016 ўқув йилига профессор, доцент, катта ўқитувчи ва ассистентлар бўйича

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. "Автотранспорт ва йўл хўжалиги корхоналари маркетинги" кафедраси – профессор
2. "Олий математика ва информацион технологиялар" кафедраси – доцент
3. "Йўл қурилиш машинаси" кафедраси – доцент
4. "Ер усти транспорт тизимлари ишончлилиги" кафедраси – доцент
5. "Чет тиллари" кафедраси – катта ўқитувчи
6. "Ташишни ташкил этиш ва транспорт логистикаси" кафедраси – катта ўқитувчи
7. "Транспорт иншоотларининг эксплуатацияси" кафедраси – катта ўқитувчи
8. "Физика" кафедраси – катта ўқитувчи
9. "Автотрактор двигателлари ва транспорт экологияси" кафедраси – катта ўқитувчи
10. "Электротехника ва электромеханика" кафедраси – катта ўқитувчи
11. "Автотранспорт ва йўл хўжалиги корхоналари иқтисоди ва бошқаруви" кафедраси – катта ўқитувчи
12. "Автотранспорт ва йўл хўжалиги корхоналари маркетинги" кафедраси – катта ўқитувчи
13. "Ташишни ташкил этиш ва транспорт логистикаси" кафедраси – катта ўқитувчи
14. "Олий математика ва информацион технологиялар" кафедраси – катта ўқитувчи
15. "Ер усти транспорт тизимлари ишончлилиги" кафедраси – ассистент
16. "Ер усти транспорт тизимлари" кафедраси – ассистент
17. "Физика" кафедраси – ассистент
18. "Автомобилларнинг техник эксплуатацияси" кафедраси – ассистент
19. "Электротехника ва электромеханика" кафедраси – ассистент
20. "Касбий таълим" кафедраси – ассистент

Танловда қатнашиш учун тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати:
- Ректор номига ариза;
- Шахсий варақаси;
- Маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақидаги дипломи нусхалари;
- Малака ошириш тўғрисидаги гувоҳномалари нусхаси;
- Илмий ишлари рўйхати;
- Паспорт нусхаси.

Ҳужжатлар даврий матбуотда эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади. Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 20-уй.
ТАЙИ, Ходимлар бўлими, 156-хона, тел: 232-15-29

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **31 март** куни ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда, кучайган ҳолда секундига 12-17 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 8-10, кундузи — 15-17 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **31 мартда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9224
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 355
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 13376 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 15.00
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ